

# Jizzax haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Gazeta 1974-yil 1-maydan chiqib boshlagan

WWW.JIZZAXNEWS.UZ

E-mail: jizzax.haqiqati@yandex.com

2023-YIL 22-NOYABR, CHORSHANBA. № 95 (6452)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб: бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори **7 фоизга**; базавий ҳисоблаш миқдори **3 фоизга оширилсин.**

2. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига: меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига **1 050 000 сўм**; базавий ҳисоблаш миқдори — ойига **340 000 сўм**;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига **372 000 сўм**; ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига **725 000 сўм**;

ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига **800 000 сўм**;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **800 000 сўм**;

1941-1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар қондаларларининг воғга етмаган солик маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инobatта олган ҳолда — ойига **3 527 000 сўм**;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (725 000 сўмдан) 800 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори — ойига **800 000 сўм**;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **608 000 сўм**;

иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори кўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

ўзгалар парваршига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парварши билан банд бўлган боланинг қонуний вақилига бериладиган нафақа миқдори — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига **608 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир

меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — **212 000 сўмдан кўшилсин**; боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига **608 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун **амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.**

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдorigа мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларида кўшимча қувватларнинг яратилиши, укувчилар сони ҳамда бирламчи тиббиёт муассасалари сонининг ортиси натижасида кўшимча штат бирликлари киритилиши ҳисобига иш ҳақи харажатлари учун талаб этиладиган кўшимча маблағларнинг Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги: Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақрифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Дрипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 17 ноябрь

### ✓ Вилоят ҳокимлигида

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОҚАМА ЭТИЛДИ

**Вилоят ҳокимлигида ўтказилган навбатдаги идоровий йиғилишни бошқариб борган вилоят ҳокими Эргаш Салиев йиғилганлар эътиборини вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларга қаратди.**

Жумладан, вилоятимиз раҳбари шаҳар ва туманлардаги 2272 та кўп қаватли уйлари таъмирлаш учун олинган қарзларни ўз вақтида тўлаш масаласига алоҳида тўхталди. Бошқарув сервис компаниялари ҳисобига 10 миллиард сўмдан зиёд кредитга олинган маблағлар ундирилиши керак. Афсуски, уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан бу борада етарли иш олиб борилмапти. Хонадон эгалари билан шартномалар тузиш ишлари ҳамон пайсалга солиб келинмоқда. Ишчи гуруҳи томонидан 1963 та уйлар ўрганилганда, ушбу хонадонларда яшовчи 28 минг нафардан ортиси шартномалар тузилмаганини айтган. Шартнома асосида тўловларни "Менинг уйим" электрон тизимига ўтказиш ишлари ҳам ўта суст. Йиғилишда кўп қаватли уйлارга хизмат кўрсатиш маданияти ўта паст даражада эканини танқид қилинди. Кўп қаватли уйларида лифтларнинг тез-тез бузилиб қолаётгани одамларнинг норозилигига сабаб бўляпти. Кўп қаватли уйлarning атрофини ободлаштириш ва кўкаламзорлашти-

риш ишларига ҳам масъуллар етарли эътибор бермапти. Аини пайтда Маҳбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси ходимлари мавжуд қарздорликни ундириш учун астойдил ҳаракат қилапти. Аммо қонуний шартномалар тузилмагани келгусида қарзларни ундиришда кўплаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди. Вилоят ҳокими ушбу масала юзасидан мутасадди раҳбарларга зарур топшириқлар берди.

Йиғилишда бюджет даромадлари, маҳаллий бюджет, кўшимча қиймат солиғи прогноз режалари ижроси ҳамда мол-мулк ва ер солиғини ундириш масалалари муҳокама қилинди. Мавжуд қарздорликларни ундиришда сустрасликка йўл қўяётган мутасадди ташкилотлар танқид қилинди. Бу борада Арнасой, Бахмал, Фаллаорол, Шароф Рашидов, Зомин, Зарбдор, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш, Янгиобод туманларида ишлар талаб даражасида ташкил қилинмаган. Мол-мулк ва ер солиғини ундириш ишлари котибиятлар кесимида таҳлил қилинганда, капитал

қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ҳамда молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш бўйича котибиятларга қарашли корхона ва ташкилотларда 800 миллион сўмдан зиёд қарздорлик борлиги айтиб ўтилди. Бошқа котибиятларга қарашли ташкилотларда ҳам аҳвол яхши эмас.

Маҳлисада маҳаллий бюджетга солиқларни ундиришда пахтачилик кластерлари томонидан фермерларга сотилган пахтанинг пули ўз вақтида тўланмаётгани натижасида фермер хўжалиқларининг солиқдан қарздор бўлиб қолаётгани ўйиниб айтилди. Вилоят ҳокими кластерлар билан ишлаш тизимини янада яхшилаш бўйича мутасадди раҳбарларга топшириқлар берди.

Ижроия идора йиғилишида, шунингдек, қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди. Вилоятимизда фаолият олиб бораётган ишчи гуруҳи томонидан мутасаддилар билан биргаликда шаҳар ва туманлардаги 307 та маҳалла ўрганиб чиқилди. Шу жумладан, 3567 та объект ўрганилиб, аниқланган 3146 та масала юзасидан иш олиб борилди. Қишга тайёргарлик масаласи секторлар кесимида таҳлил қилинганда, бир қатор туманлардаги 4-сектор фаолиятидаги камчиликлар кўзга яққол ташланди. Арнасой, Дусллик ва Бахмал туман-

ларида 4-сектор томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича етарли иш олиб борилмапти. Жиззах шаҳрида 4 та сектордаги ишлар 52 фоизга уйдаланган, холос. Ишчи гуруҳи томонидан ўрганилган 1107 та кўп қаватли уйлarning 414 тасида, 21 та шифохонанинг 12 тасида ҳалигача муаммолар мавжуд.

Йиғилишда сўзга чиққан республика ишчи гуруҳи раҳбари, Агросанои республика кенгаши раиси Рустам Холматов бир қатор шаҳар ва туманларда ишчи гуруҳи томонидан аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ишлари қоникор-сиз аҳволда эканини билдирди. Жумладан, кўп қаватли уйлarning таъмири, ижтимоий соҳа объектиларидаги тайёргарлик, электр энергия, газ, сув таъминотида ҳали ҳам талайгина муаммолар мавжуд. Ишчи гуруҳи раҳбари ўз чиқишида қиш яқинлашиб қолганини, лекин камчиликларни тугатишга барча масъуллар бирдек, астойдил киришмаётганини танқид қилди. У барча раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ишларига шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда мутасадди раҳбарларнинг сидқидилдан ёндашиши зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

### ✓ Сайёр қабул

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЯНГИБОД ТУМАНИ АҲОЛИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

**Янгиобод туманидаги 19-сон болалар мусика ва санъат мактабида вилоят ҳокими, I сектор раҳбари Эргаш Салиевнинг туман аҳолиси билан оммавий қабули ўтказилди. Унда сектор раҳбарлари, вилоят ва туман ташкилотларининг масъуллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

Мулоқотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Байрамбек Узоқов кириш сўзи билан очди. У йиғилганлар эътиборини бундай учрашувлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мансабдор шахсларнинг муносабатлари билан ишлашдаги масъулиятини оширишда катта омил бўлаётганига қаратди. Фуқароларнинг муносабатлари эътиборсиз қолмаслиги, уларнинг барча саволларига вилоят корхона ва ташкилотларининг мутасаддилари оқиб-оқибдан жавоб беришлари, муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилиши ҳақида сўз юритди. Учрашувда сўзга чиққан Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Салиев — Давлат хизматчиси аввало халқ хизматчиси. Шу сабабли аҳолини қўйиб келаётган муаммолар жойида ҳал этилмоқда, — деди ўз чиқишида. — Янгиобод чекка ҳудудлардан саналади. Шунинг учун даставвал туман микёсидаги муаммоларни ўрганиб чиқсак, кейин фуқароларнинг шахсий масалаларига тўхталамиз.

(Давоми 2-саҳифада).

### ✓ Байрам тадбири

## Муқаддасдир — Ватан байроғи



**Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан Жиззах шаҳрининг марказий кўчаларида "Муқаддасдир — Ватан байроғи" шиори остида байрам тадбирлари ташкил этилди. Унда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ҳарбийлар, туман раҳбарлари ва спортчилардан иборат 500 нафардан зиёд аҳоли вакиллари иштирок этишди.**

Шароф Рашидов шохқўчаси ҳарбийларнинг саф тортиб юриши, велоспортчилар, отликлар, байроқ кўтарган ёшларнинг ифтихор билан қадам босиши карнай-сурнай, доира садолари остида ўтди. Мустақиллик майдонида 65 метр баландликда ҳилпираб турган байроқ атрофига йиғилган иштирокчилар ҳарбийларнинг жанговар чиқишларидан баҳраманд бўлишди. Шундан сўнг вилоят ҳокими ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Мурторова сўзга чиқиб, юртдошларимизга байрам тилакларини изҳор этди.

— Давлат байроғининг 32 йиллиги шодийнасида янграган мадҳиямиз бугун ҳар биримизнинг қалбимизда ватанпарварлик ва шукроналик туйғуларини тўлқинлантириб юборди, — деди Назира Мурторова. — Жаҳон майдонига назар ташлар эканмиз, мамлакатимизнинг бу рамзи тинчликсевар халқ байроғи сифатида кун сайин юксалиб бораётгани муболага эмас.

Унинг улуғвор ҳилпираши аждодларимизга шараф-шон, келажак авлод вакилларининг буюк мақсадларига олий имкондир.

Байрам тадбири вилоят мусикали драма театрида давом этди. Унда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари Латибжон Ахмаджонов воҳамизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларини Давлат байроғи қабул қилинган кун ҳамда "Бағрикенглик ҳафталиги" шодийналарини билан табриклади. Шунингдек, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси учун вилоят миллий маданий марказларининг фаол аъзоларини муносиб рағбатлантирди.

Байрам тадбирлари вилоятимизнинг барча туман ва чегара ҳудудларида юқори савияда ташкил этилди.

Гулчеҳра ХИДИРОВА.  
(“Жиззах ҳақиқати”)

### ✓ Халқаро сайёҳлик кўргазмаси

## ВОҲАМИЗ ВАКИЛЛАРИ ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИДА ИШТИРОҚ ЭТИШДИ

**Тошкентда "Ипак йўлида туризм" 28-Тошкент халқаро туризм ярмаркасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирни Экология вазири А.Абдуҳакимов Самарқанддан видеоконференцалоқа воситасида боғлиб, кириш сўзи билан очиб берди. Шунингдек, маросимда Туризм қўмитаси раиси Умид Шодиев, Қирғизистон Республикаси президенти Абулқосим Шерниязов, Озарбайжон Республикаси Туризм давлат агентлиги раиси маслаҳатчиси Кенан Гулузаде, халқаро туризм бизнеси, маҳаллий ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирнинг биринчи кунда етакчи халқаро ҳамда миллий экспертлар иштирокида сайёҳлик мавзуларида сессия ва хусусий лойиҳалар тақдими бўлиб ўтди. Уч кун мобайнида 20 та хорижий давлат иштирок этадиган сайёҳлик кўргазмаси, етакчи халқаро экспертлар билан форум ва сессиялар, миллий ошпазларнинг маҳорат дарслари, Ўзбек хунармандларининг кўргазмаси, шунингдек, маҳаллий ва халқаро дизайнерлар иштирокида модellar намойиши бўлиб ўтди. Бу йил ҳам ярмарка

иштирокчилари ўртасида кўплаб B2B учрашувлари ўтказилди. — Жиззах вилояти павильони ўзига хос миллий услубда, кўркам қиёфада яратилди, — дейди вилоят Туризм бошқармаси матбуот котиби Дилором Холмураева. — Воҳамизнинг туристик имконияти Корея, Россия, Испания давлатларидан келган кўплаб хорижий меҳмонларни ўзига жалб қилди. Уларга вилоят Туризм бошқармаси ходимлари томонидан вилоятимизнинг туризм салоҳияти ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди. Туризм қўмитаси раиси Умид Шодиев Жиззах вилояти павильонига ташриф буюрди ва ўзининг илиқ фикрларини билдириб ўтди. Тадбирда ўзбекона аънава ва қадриятларимиз фаол тарзда намойиш этилди. Республикаимиздаги ҳар бир ҳудуднинг туристик салоҳияти ҳамда имкониятлари тарғиб қилинди. Маҳаллий ҳамда хорижий ҳамкорлар билан янги гоа ва лойиҳалар қизғин муҳокама қилиниб, келишувларга эришилди. Вилоятимиз салоҳияти билан яқиндан танишиш мақсадида кўплаб маҳаллий

ва хорижий меҳмонлар ташриф буюришди. Мальдив ороллари давлат туризм ташкилоти бошқарув директори Моҳаммед Раидх Жиззах вилояти павильонида бўлиб, вилоят ҳокими ўринбосари Синдор Раҳмонқуллов билан учрашди. Учрашув давомида вилоят ҳокими ўринбосари воҳамизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида хорижий меҳмонга батафсил маълумот бериб ўтди. Моҳаммед Раидх кўргазмадан сўнг албатта, Жиззах вилоятига ташриф буюришни билдирди. Меҳмонлар миллий таомларимиз ҳамда мевалардан татиб кўриб, катта қизиқиш билдиришди. Учрашув чоғида меҳмонларга эсдалик совғалари топширилди.

Халқаро кўргазма иштирокчилари янги сайёҳлик йўналишлари билан танишиб, хорижий давлатлар маданияти ва аънаваларидан воқиф бўлишди. Шунингдек, юртимизнинг барча ҳудудларида очилган янги манзилларнинг сайёҳлик салоҳиятини баҳолаш имконига эга бўлишди.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА.  
(“Жиззах ҳақиқати”)

✓ Вилоят  
ҲОКИМЛИГИДА

# ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

(Аввали 1-саҳифада)

Мажлисда вилоят ҳокими томонидан вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларига қишга тайёргарлик билан боғлиқ муаммоларни қисқа фурсатларда бартараф этиш вазифаси юклатилди.

Вилоятимиз раҳбари жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳоли томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Жиззах вилояти бўйича Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни ижобий ҳал этиш масаласига асосий эътиборни қаратди. Бу борада суствашликка йўл қўётган шаҳар ва туманлар, вилоят ташкилотлари кескин танқид қилинди. Жумладан, вилоят ҳукукни муҳофаза қилиш органларига келиб тушган 146 та мурожаатнинг бор-йўғи 16,4 фоизи, "Gangant bank", "Ипотек банк", "Узсаноаткурилишбанк", Миллий банк, "Туронбанк" вилоят филиаллари сингари молия муассасаларида 76 та мурожаатнинг 36,8 фоизи ҳал этилган ҳолос. Шунингдек, қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича, капитал қўрилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича, ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича, туризм, мада-

ният, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича котибиятларига қарашли ташкилотларда ҳам ижобий ҳал этилмаган мурожаатлар талайгина эканлиги қайд этилди. Мирзачўл, Дўстлик, Янгиобод туманларида ҳам аҳоли мурожаатларига ўз вақтида ечим топилмаётти.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудирини Байрамбек Узоқов Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш ва аҳоли мурожаатлари юзасидан амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилган экан, аввало, вилоят ҳокимининг Фориш тумани "Дўстлик" МФЙ ҳудудидаги Можрум қишлоғида ва Бахмал туманидаги "Нурафшон" МФЙда ўтказилган сайёр қабулларида аҳоли томонидан кўтарилган масалалар юзасидан берилган топшириқлар ижроси бир қатор ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли таъминланмаётганини танқид қилди. Можрумдаги сайёр қабулда берилган топшириқларнинг 14 таси, "Нурафшон" МФЙдаги ўтказилган қабулда берилган топшириқлардан 8 таси шу пайтгача ижро қилинмаган.

Вилоятимиз раҳбари сайёр қабулларда

аҳоли томонидан кўтарилган масалаларни ижобий ҳал этиш учун туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, вилоят қорхона ва ташкилотларининг раҳбарларига зарур топшириқлар берди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди. Таъкидландики, бир қатор туманларда ҳамда қорхона ва ташкилотлар томонидан экилган даррах кўчатлари "Яшил макон" электрон платформасига киритилмаётти.

Ижроия идора йиғилишида экспорт прогност топшириқлар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи ҳам чуқур таҳлил этилди. Арнасой, Дўстлик, Бахмал, Шароф Рашидов, Зарбдор, Зафаробод, Янгиобод туманларида хорижий инвестицияларни киритиш ишларига етарли эътибор берилмаётгани танқид қилинди. Жорий йил поёнига етаётган бўлса-да, экспорт бўйича белгиланган режа Бахмал, Ш.Рашидов, Зомин, Арнасой, Зафаробод, Мирзачўл, Янгиобод туманларида ҳамон бажарилмай келинмоқда.

Вилоят ҳокими истеъмол қилинган ичимлик суви учун маблағларни ўз вақтида ундириш, дебитор қарздорликларни қисқартириш масаласига алоҳида тўхталди ва мута-

садди раҳбарларнинг бу борада олиб бораётган ишларига танқидий баҳо берди. Дебитор қарздорлик кундан-кунга камайиб бориши ўрнига қўлайиб бораётгани, шаҳар ва туманларда ичимлик суви учун маблағ ундириш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатиб турибди. Дебиторлик қарздорлик ой бошидан буён 3,5 миллиард сўмга ошган. "Жиззахсув таъминот" МЧЗ эса ўз навбатида электр тармоқлари қорхонасидан жуда катта миқдорда қарздорлиги туфайли тармоқдан узиб қўйилмоқда. Натижада аҳолига, қорхона ва ташкилотларга сув етказиб беришда муаммолар юзага келаётти. Шу боис вилоят ҳокими барча шаҳар ва туман ҳокимларига, вилоят қорхона ва ташкилотлари раҳбарларига суви учун маблағларни ундириш бўйича топшириқлар берди.

Идоравий йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир бошқа масалалар юзасидан амалга оширилаётган ишлар танқидий-таҳлилий муҳокама қилинди ва барча масалалар юзасидан тегишли ташкилот раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларига келгусидаги вазифалари белгилаб берилди.

Васил ИЛЁСОВ.  
(“Жиззах ҳақиқати”)

Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Жиззах вилоят ҳудудий бўлинмаси ташаббуси билан Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси ҳамкорлигида "Очқиклик ва ошкоралик — жамият ва давлат тараққиётининг муҳим омилidir" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

## Тараққиётнинг муҳим омили

Давра суҳбатида жамиятда фуқароларнинг аxbорот олиш, эркин фойдаланиш ва уни қонун доирасида тарқатиш ҳуқуқларининг асослари, фуқаролар учун давлат органлари ва ташкилотларининг аxbорот порталлари, расмий веб-сайтларидаги маълумот ва аxbоротларнинг очқиклиги, улардан фойдаланишнинг ҳолати, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг очқиклиги ва ошкоралиги таҳлил қилинди. Тадбирда "Давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёни оммавий аxbорот воситаларида эълон қилиб боришининг ахамияти" мавзусида вилоят телерадио компанияси муҳаррири Дилмурод Абдурахимов, "Жиззах ҳақиқати" газетаси бўлим муҳаррири Асад Мустафоев, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Жиззах вилоят ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси Элёр Жабборов "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг очқиклиги ва ошкоралиги" мавзусида маъруза қилишди.

Давра суҳбатида вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, вилоят бошқарма ва ташкилотларнинг матбуот хизмати ходимлари, маҳаллий газеталар муҳбирлари ва блогерлар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнларининг ёритилиши, худудларда аҳоли орасида резонанс бўлган воқеликка нисбатан расмий муносабат билдиришда ҳокимликлар матбуот хизматларининг роли, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очқиклиги ва ошкоралиги таҳлили бўйича фикр билдиришди.

Давра суҳбатида Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази раҳбари Хусан Абдуниязов марказнинг мақсади ва вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари борасида йиғилганларга аxbорот берди. Марказнинг ОАВ ва аxbорот хизматлари билан келгусидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази вилоят ҳудудий бўлинмаси томонидан оммавий аxbорот воситалари вакилларига давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб бориш, соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур қўрсатма ва тавсиялар берилди.

(Ўз мухбиримиздан)

✓ Сайёр қабул

# ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЯНГИОБОД ТУМАНИ АҲОЛИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

(Аввали 1-саҳифада)

Шундан сўнг фуқаролар мурожаати кўриб чиқилди. Хусусан, "Сармич" қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Сувокул Худойбердиев қишлоқдошлари фикрини ифодалаб шундай деди:

— Пастки сармич қишлоғимиздаги спорт зали эскириб, қаровсиз ётибди. Уни таъмирлаб, янгидан тикув цехи ташкил этилса, анчагина хотин-қизларимиз

иш билан таъминланган бўларди. Ушбу муаммони ҳал этишда ёрдамингиз зарур.

Мурожаат қатъий назоратга олинди, уни кўриб чиқиш ва унинг ечими бўйича тақлиф киритиш юзасидан туман ҳокимлигига топшириқлар берилди.

— Худудимиздаги 9-мактаб таъмирланиши охирига етмай қолган, — дейди сўзга чиққан "Ҳавотог" қишлоқ фуқаролар йиғинининг Учтургон қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Аса-

тулло Раҳимов. — Ёгин-сочинли кунларда чакка ўтишини ҳеч ким ўйламаётти. Мактаб томига яна 500 дона шифер керак. Ана шу масалада бизга ёрдам берсаларингиз?

Меҳнат фахрийсининг мурожаати эътибор билан тингланиб, мактабга зарур шифер ажратиши, зудлик билан таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказиш юзасидан мутасаддиларга аниқ қўрсатмалар берилди.

19-умумтаълим мактаби раҳ-

бари Бехзод Ибрагимов худуддаги йўлнинг банк ҳисобида эканлигини айтиб, уни мактаб ҳисобига ўтказишда амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Бу мурожаат ҳам эътиборга олинди, амалий ёрдам берилдиган бўлди.

Сайёр қабулда фуқароларнинг коммунал соҳа, бандликни таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, банк кредити, ер ажратиш ва бошқа

масалалар билан боғлиқ мурожаатлари мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишга ўрганиб чиқилди.

Сайёр қабулда 30 нафар фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Унда кўтарилган барча масалалар бўйича мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига тегишли топшириқ ва қўрсатмалар берилди.

Абдушукур ЛАПАСОВ.  
(“Жиззах ҳақиқати”)

✓ Ҳарбий ватанпарварлик тадбирлари

## МАНГУ ҲИЛПИРАСИН, ВАТАН БАЙРОҒИ!

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Жиззах гарнизонидagi ҳарбий қисм, Маънавият ва маърифат маркази, ҳарбий оркестр жамоаси ҳамкорлигида Галлаорол туманида жойлашган "Мирзабулоқ" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 47-мактабда Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 32 йиллиги муносабати билан "Муқаддасдир— Ватан байроғи" шiori остида ҳарбий ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар Давлат байроғи ташкил топганлигининг 32 йиллиги муносабати билан йиғилганларни муборакбод этиб, юртимизда ёшларга берилмаётган имкониятлар ҳақида сўз юритишди. Мамлакатимиздаги олий ҳарбий таълим муассасалари билан таништириб, уларда таҳсил олиш тўғрисида батафсил маълумотлар беришди. Фестиваль доирасида ёшлар учун қурол-аслаҳалар кўргазмаси ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги чиқишлари, ҳарбий оркестр жамоаларининг она Ватанини тараннум этувчи куй-қўшиқлари ўрин олди. Туманда сана муносабати билан "5000 кадам ирши марафони" ҳам ташкил этилди. Тантанали тадбир ёшларда Ватан ҳимоячиси бўлиш, юртта садоқат ва фидойилик билан хизмат қилиш каби хисларни уйғотиши шубҳасиз.

Ушбу кутлуг кунга бағишлаб Жиззах гарнизонидagi ҳарбий қисмда Жиззах шаҳридаги 14,12,30,17-мактаб ўқувчилари иштирокида "Мангу ҳилпирасин, Ватан байроғи!" шiori остида "Очқик эшиклар кўни" ташкил этилди. Ёшлар ҳарбий қисмида яратилган шароитлар ва қурол-яроғлар кўргазмаси, ҳарбий техникалар билан яқиндан танишишди. Бу саёхат ўғил-қизларда катта таассурот қолдирди. Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлоднинг кўнглида Ватан туйғусини янада кучайтириш, ҳақиқий ватанпарвар бўлиб улғайишига ҳисса қўшишдир.

Раҳмонжон АЧИЛОВ,  
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши мутахассиси, подполковник.

✓ Бағрикенглик ҳафталиги

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида аввало, инсон манфаати, халқ тинчлиги ва фаровонлиги туради. "Янги Ўзбекистон — 2030" стратегияси, "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" Давлат дастури тасдиқланиб, уларда миллатлараро тотувлик ҳамда бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасида аниқ вазифалар белгилаб қўйилган.

## Бир юртда, бир гоёя остида

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 20 дан ортиқ миллатларнинг 150 минг нафардан ортиқ вакиллари яшаб келади. Олтига — қирғиз, тожик, қозоқ, рус, татар ва корейс миллий маданий марказлари вилоятимиз марказидаги "Дўстлик уйи"да иш олиб боради. Турли миллатларга мансуб фуқароларимиз учун барча зарур шароитлар яратилган. Жиззах давлат педагогика университетиди 1978 йилдан буён рус тили ва адабиёти таълим йўналиши фаолият кўрсатади. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 4 та хорижий — рус, қозоқ, қирғиз, тожик тилларида олиб борилади. Фориш туманида 5 та, Янгиобод туманида 1 та мактабларда тожик, Бахмал туманида 7 та ва Зомин туманида 6 та мактабларда қирғиз, Зарбдор туманидаги 1 та мактабда ўзбек-қирғиз тилларида таълим олиб борилади.

Мамлакатимизнинг шонли саналарида ҳар йили ўзининг фаолияти билан вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган турли миллат вакилларида номзодлар давлат мукофотларига тавсия этилиб, улар орасида 40 дан ортиқ давлат мукофотлари ва 200 дан ортиқ эсдалик нишонлари билан тақдирланганлар мавжуд.

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб республикамизнинг барча худудларида "Бағрикенглик ҳафталиги" ташкил этилди. Бу борада вилоятимизда ҳам миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва халқаро дўстликни тарғиб этувчи маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Жорий йилнинг 17 ноябрь куни Жиззах шаҳридаги "Дўстлик уйи"да шу муносабат билан матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда Жиззах вилояти ҳокимлигининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибият мудирини Нурали Раимов йиғилганларни айём билан қутлаб, жамият осойишталиги тотувлик ва бағрикенгликда эканини таъкидлади.

Матбуот анжуманида воҳода ташкил этилган миллий маданий марказлар фаолияти, бажарилган ишлар юзасидан йил сарҳисоби қилинди. Бир йилда эришилган ютуқлар, ишлар қайд этилиб, марказлар тақлифлари қабул қилинди. Тадбирда ушбу марказларни янада жиҳслаштириш, алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида грантлар ташкил этилгани қайд этилди. Бу грантлардан унумли фойдаланиш кераклиги ҳақида сўз юритилиб, ҳар бир марказнинг келгусидаги режалари тингланди.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА.  
(“Жиззах ҳақиқати”)



«Яшил макон» — 2023

Мазкур жараёнда бошқарма бошлиғи Санобар Суярова раҳбарлигида бошқарма ходимлари иштирок этдилар.

— Бугунги кунда экологик муаммолар кўпайиб мамлакатларнинг глобал мавзусига айланиб улгурган, — деди бошқарма бошлиғи ўринбосари Шохида Даманова. — Бу эса, бутунқош ҳам-жамиятини она табиатни асрашга чақирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур йўналишдаги фаол ташаббуси ортидан юртимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Республикаимиз бўйлаб амалга оширилаётган ушбу хайрли ташаббусга бизнинг жамоамиз ҳам ўз ҳиссасини қўшапти. Шунингдек, "Яшил макон" лойиҳаси умуммиллий ҳаракатга айланиб, ҳозирги



✓ Пресс-тур

## БИТИРУВЧИЛАР ФОРУМИ

Жиззах давлат педагогика университетиди "Битирувчилар форуми" ўтказилди. Олийгоҳни сўнгги йилларда тамомлаган, аини пайтда жамиятнинг турли бўғинларида самарали меҳнат қилаётган собиқ битирувчилар кадрони таълим масканида йиғилдилар.

Тадбир дастлаб собиқ битирувчилар ва уларга сабоқ берган фахрий устозларни қутиб олиш билан бошланди. Бу учрашувлардан кўзланган асосий мақсад таълим тизимида қўлга киритилган улкан ютуқлар, талабаларга яратилган шароитлар билан собиқ битирувчиларни таништириш ва уларнинг шу даргоҳда таълим олиб эришган ютуқлари, қўлга киритган муваффақиятларида устозларнинг роли

ва ахамияти тўғрисида талабалар билан ўртоқлашишдан иборат.

— Жиззах давлат педагогика университетини ховлиси бугун одатдагидан-да гавжум, — деди университетнинг матбуот котиби Гулчехра Шарипова. — Айниқса, олийгоҳга юртимизнинг турли гушаларида 300 га яқин меҳмонлар ташриф буюришди. Қизил йўлаклардан ўтиб келаётган собиқ битирувчилар ўзлари билим олган,

шўх-шодон кунларини эслаб, талабаланиннинг олтин даврига тушиб қолгандек ҳаяжонда эканликларини уларнинг юз-кўзларидан сезиш қийин эмас.

Тадбир давомида меҳмонлар учун пресс-тур ташкил этилиб, унда университетда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, хусусан, янги иш бошлаган Регистратор офиси, кутубхона фаолияти ҳамда университет тузилмаси қошида ташкил этилган "Қатагон қурбонлари" хотира музейи иштирокчиларга таништирилди.

— 2002 йил шу олийгоҳнинг математика ва информатика факультети талабаси бўлган йилларим ёдимга туши, — деди Машхура Фозилова. — Айни пайтда ўзим ҳам Чирчиқ давлат университетиди талабаларга таълим

берсамда жонажон воҳам ва шу илм даргоҳининг қайноқ меҳри мени ўзига тортаверади. Талабалар учун яратилган шароитлар, замонавий жиҳозланган аудиториялар киши кўзини қувонтиради. Устозларимнинг, курсдошларимнинг дийдори, маъмули суҳбати бизни яна узоқ вақтгача ширин хотиралар билан яшашга ундайди.

Шунингдек, собиқ битирувчилар университет талабалари билан ҳаёт йўли, тажрибалари ҳақида суҳбатлашиб, савол-жавоблар ўтказишди. Тадбир якунида олийгоҳнинг иқтидорли талабалари иштирокида меҳмонларга концерт дастури намойиш этилди.

Шаҳноза ЮЛДАШЕВА.  
(“Жиззах ҳақиқати”)

## Бошқарма ташаббуси билан

Жиззах вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ходимлари ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Жиззах шаҳридаги 1-сон иxtисослаштирилган мактаб-интернатиди мевали ва манзарали даррах кўчатлари ўтказилди.

кунда ўзига хос қадрият сифатида намоён бўлаётганини кузатиш мумкин.

Бундай сайё-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад — юртимизни ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишига яқиндан кўмаклашиш орқали халқимизга хос өзгу фазилатларни юксалтириш, уларни ёшлар қалбига сингдириш ҳамда қишлоқ ва маҳаллаларни, аҳоли турар жойлари

атрофини бундан-да кўркам кўринишга келтиришдан иборатдир.

Айни кунларда тизим тасарруфидидаги барча таълим ташкилотларида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ишлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

(Ўз мухбиримиздан)



# "SEMRUG" CLUSTER

## ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯГА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТ

Аграр тармоққа инновацияларни кенг татбиқ қилиш, заминимизда етиштирилаётган хом ашёни ўзимизда қайта ишлашни чуқурлаштириш бугунги замон талаби эканлигини кўплаб ҳамюртларимиз яхши билади. Зеро, қишлоқ хўжалиги қанчалик саноатлашса, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалади. Шу боис Ўзбекистонда кейинги пайтларда илғор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш, қишлоқ хўжалигида кластер усулини жорий этишга жиддий эътибор қаратиляпти. Ана шундай инновацион лойиҳалардан бири Пахтакор туманида фаолият юритаётган, уруғчиликка ихтисослашган "Semrug cluster" МЧЖ ҳисобланади.

**Мухбиримизнинг жамият раиси Шоххасан СУВОНҚУЛОВ билан қилган суҳбати кластер фаолияти хусусида бўлди.**

— Уруғчиликка ихтисослашган жамият республикамиздаги шу соҳада фаолият юритувчи қалдирғоч кластерлардан саналади. Хўш, ўтган йиллар мобайнида кластер қанчалик ўзини оқлади? — Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 30-31 январь кунлари вилоятимизга ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 5-сонли мажлис баёнида белгиланган устувор вазифаларни бажариш мақсадида Пахтакор туман ҳокимлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва "Semrug cluster" уруғчилик кластери ташаббуси билан 2019 йил 27 февраль куни республикамизда биринчи замонавий уруғчилик кластери ташкил этилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди.

Хитой давлатидан хорижий илғор инновацион технологиялар асосида пахта ва галла уруғларини тайёрловчи ускуналар олиб келиниб, ишга туширилди. Бунинг натижасида 67 та янги иш ўринлари яратилди ва илмфанга сунган ҳолда рақамли технологияларни соҳага татбиқ этиш имконини берадиган замонавий корхона ташкил этилди.

Уруғчиликка ихтисослашган инновацион "Semrug cluster" МЧЖ илмфанни қишлоқ хўжалигига интеграция қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Геномика ва биоинформатика маркази, республика пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнология-

лари илмий-тадқиқот институти, Галлаоролдаги Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ва Андижон дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти билан илмий-амалий меморандум асосида лицензион шартномалар тузилди. Олимлар томонидан яратилган инновацион истиқболли, тола чикими 40 фоиз бўлган, ҳосилдорлиги 40-45 центнердан юқори, сувсизликка ва касалликка чидамли гўзанинг "Султон", "Порлоқ-4", "Равнақ-2", "Зафар", "Барака" навлари кўпайтирилди. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг уруғчилик кластери институтининг Жиззах вилоятидаги таянч шохобчаси сифатида қабул қилинди. Кластер илмий-тадқиқот институти томонидан давлат реестрига киритилган истиқболли, маҳаллий ва хорижий навларнинг юқори ҳосил берадиган, такрорий экинбоп, эртапишар, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркундаларга чидамли уруғлар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги "Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони ва вилоят ҳокимининг қарорига асосан "Semrug cluster" МЧЖ томонидан уруғлик пахта, уруғлик галла экинларнинг уруғлик хом ашёсини етиштиришда жами 216 гектар ер майдонида пахтачилик ҳамда дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти билан меморандум асосида гўзанинг энг юқори авлодди, шунингдек,

галланинг биринчи уруғ кўпайтириш авлодларининг маҳаллий ва Қаснодар инновацион навлари етиштирилиб, Хитой давлатидан олиб келинган замонавий технологиялар ёрдамида стандарт талабларга мос равишда, мувофиқлик сертификатлари асосида уруғлар тайёрланиши йўлга қўйилди.

Уруғчилик кластери 2021-2023 йилларда экспортёр корхонага айланиб, республикамиздаги кластерлар орасида 1 тонна чигитни энг юқори нархда экспорт қилишга эришди. Айни пайтда республикамизнинг 9 та вилоятидаги 17 та пахтачилик ва галлачилик кластерига ҳамда юртимиздаги энг йирик ва илғор 184 та уруғчилик фермер хўжалигига шартнома асосида, мувофиқлик сертификати билан бирламчи уруғлик чигит ва уруғлик бугдой етказиб бераёпти.

— Кластер ўз фаолиятини ривожлантириш, такомиллаштириш борасида қандай ишларни амалга ошираёпти?

— Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик ва бизнесга жуда катта имкониятлар ва кенг шароитлар яратилаётганлигидан фойдаланиб, уруғчилик кластери ўз фаолиятини ривожлантириш, кенгайтириш, янги ишланмаларни яратиш, истиқболли пахта ва галланинг асл навларини кўпайтириш, республикамиз вилоятларидаги кластерларга ҳамда йирик ва илғор уруғчилик фермерларини бирламчи уруғлар билан таъминлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб, Дўстлик, Пахтакор, Зарбдор ва Мирзачўл туманларида биттадан фермер хўжаликлари шартнома асосида уруғчилик кластерига бириктирилди ва у ерда гўзанинг янги технологиялар ёрдамида яратилган навларини экилиши йўлга қўйилди. Бунинг натижасида эса қўшимча 120 та янги иш ўринлари яратилди.

Кластер республикада гўза ва бошқоқ дон бўйича 2 та инновацион янги истиқболли навлар яратишда нав муаллифлигига ҳам эришди. 2023 йил уруғчилик кластерини илмфан билан қишлоқ хўжалигини янада интеграция қилиш, янги иш ўринларини яратиш ва хорижий инвестиция-



ларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ "20 минг тадбиркор—500 минг малакали мутахассис" дастури доирасида қайта ишлашдан олинган пахта толасини чуқур қайта ишлаш учун уруғчилик кластери қошида тайёр экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу борада Хитой давлатидан тўқув ускуналарини олиб келиш учун умумий қиймати 7 млрд. сўмлик шартномалар имзоланди. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида "Темир дафтар"га киритилган ва ишсиз 150 нафар аҳолининг иш билан таъминланиши кутилмоқда.

— Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида келгуси йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар мавзусидаги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент бажарилмиши лозим бўлган бир қатор долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Бу ҳақда фикрингиз билан ўртоқлашсиз.

— Видеоселекторни катта ҳаяжон ва диққат билан кузатдим. Дарҳақиқат, унда республикамиздаги пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти кўриб чиқилди. Бу йил 41 та кластерда ҳосилдорлик 40 центнердан ошгани, 9 та кластерда эса 30 фоиздан камлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳосилдорлик пастиги ва таннарх юқорилиги

ҳисобига рентабеллик 10-11 фоиздан ошмаётганлиги кескин танқид қилинди. Шу боис келгуси йилдан пахта уруғчилиги бўйича янги чора-тадбирлар жорий этилиши таъкидланди. Сув таъминоти оғир бўлган ва ҳосилдорлиги 30 центнердан ошмайдиган ҳар бир вилоятдаги биттадан туманда 70-80 центнердан ҳосил берадиган уруғлар четдан олиб келинишига руҳсат берилди. Уруғчилик институти томонидан янги, серҳосил навлар паст ҳосилли майдонларга жойлаштирилади.

Келгуси йил ҳосили учун пахта етиштиришга 60 фоиз аванс кўринишидаги имтиёзли кредитлар тўғридан-тўғри фермерларга ажратилади. Кластерларни ташкил этиш, улар билан фермерлар ўртасидаги муносабатлар бўйича янги тизим жорий қилинади.

Ҳар бир вилоятда янги кластерларга молиявий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва техника таъминоти бўйича талаблар қўйилади. Улар қамаида икки босқичли қайта ишлашни йўлга қўйган бўлиши шарт бўлади.

Фермерлар бир вилоят ичидаги хоҳлаган кластери билан фьючерс шартномаси тузиши мумкин бўлади. Улар фьючерс шартномасидан ортган ҳосилни биржа орқали сотишига ҳам имконият яратилади.

Аҳил жамоамиз юқорида айтиб ўтилган устувор вазифаларни амалга ошириш учун янги инновацион лойиҳалар устида тинмай изланишлар олиб бормоқда.

**Зоир ЭРГАШЕВ**  
суҳбатлашди.  
("Жиззах ҳақиқати")



## Тўқсонбости экинлари — даромад манбаи

Айни куз палласида тўқсонбости экинларини экиб, ердан самарали фойдаланиш эртанги сабзавот маҳсулотлари етиштириб, юқори даромад олиш манбаидир.



Фориш тумани 3-сектор ҳудудидаги Оқтом маҳалласида фаолият юритаётган Зоир Мамарасулов бошлиқ галлачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган "Орифабегим" оилавий корхонаси аъзолари ҳар йили куз мавсумида тўқсонбости экинлари экиб, эртанги сабзавот маҳсулотларини етиштириб келаяпти. Корхона аъзолари жорий йил куз мавсумида 0,5 гектар ерга саримсоқпиёз, 1 гектар ерга пиёз, 0,5 гектар ерга кўкатлар, 0,2 гектар ерга редиска экишди. Аҳил жамоа тўқсонбости экинларидан эрта кўклам юқори ҳосил олишни мўлжаллаб туришибди.

**Фориш тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.**



## Саломатлик кўриги хайрия тадбирига уланди

Халқаро диабетга қарши кураш куни муносабати билан ЎЗМУ Жиззах филиалида хайрли ташаббус амалга ошди. Биотехнология кафедраси Эндокринология илмий текшириш маркази Жиззах филиали ва "Адолат" партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ходимлар ушбу касалликка қарши текширувдан ўтказилди. Жараёнда Тошкент тиббиёт академиясидан тиббиёт фанлари доктори, профессор Барно Шагазатова ҳамда олий тоифалишифокорлар қатнашиб, ходимларга ўз тавсияларини беришди.

Шу куни филиал талабалари томонидан акция ташкил этилиб, ундан тушган маблағлар 1-тур қандли диабет билан касалланган болаларнинг даволаниши учун берилди. Маълумот учун, юртимизда қирқ ёшдан ошган аҳолини йилда қамаида бир маротаба мақсадли скринингдан ўтказиш тизими йўлга қўйилмоқда. Боиси бу хасталик тобора яшариб бораёпти ва унинг асосий сабаби носоғлом турмуш тарзи, оксидланиш, стресс кабилардир. Қандли диабетнинг 2-

тури олдини олиш мумкин бўлган хасталик. Соғлом турмуш тарзи, тўғри оқватланиш, жисмоний фаоллик, қонда қанд миқдорининг доимий назорати, скрининг таҳлиллари, керак бўлса, тегишли дори воситалари орқали бу дардни енгиш мумкин.

**Мухаммадjon МУСТАФОҚУЛОВ,**  
ЎЗМУ Жиззах филиали биотехнология кафедраси мудири.

## 60,5 миллион сўм қарз ундириб берилди

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш ҳамда одил фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Мажбурий ижро бюроси Жиззах вилояти бошқармаси ходимлари бу борада изчил иш олиб бормоқда.

Хусусан, Бюронинг Жиззах шаҳар бўлими иш юритувига Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2023 йил 6 октябрдаги фуқаро Г.О.дан ундирувчи фуқаро Ш.М. фойдасига 60,5 млн. сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати 2023 йилнинг 6 ноябрида келиб тушган ва шу куннинг ўзида ижро иши кўзгатилган.

Давлат ижрочисининг мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздордан ундирувчига 60,5 млн. сўм қарздорлик тўлиқ ундириб берилди.




Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланмаси йўналишида олиб борилган бир қатор тезкор тадбирлар натижасида Тожикистон Республикасидан контрабанда йўли орқали Ўзбекистон Республикасига келтирилган "опий" гиёҳвандлик моддаларини тарқалишининг олди олинди.

Бахмал туманидаги "Узунбулоқ" ҚФЙ ҳудудида яшовчи Рашид Мухтаров жиноий шериклари Самарқанд вилоятининг Ургут туманида истиқомат қилувчи Абдулла Гофуров ва жиноят ишининг унга нисбатан бўлган қисми алоҳида иш юритувига ажратилган тожикистонлик Отабек Эгамбердиев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида контрабанда йўли билан олиб ўтиш ва сотиш режасини туздилар.

Пихини ёрган оғуфурлар жиноий қилмишларини ипидан игнасиғача режалаштириб олгандилар. Утган йил апрель

## Оғуфурлар қисмати

ойида Рашид Мухтаров "Жартепаавтойул" божхона ва чегара пости орқали Тожикистон Республикасига ўтади. У Отабек Эгамбердиев билан 1 килограмм "опий" гиёҳвандлик моддасини 4000 АҚШ долларига сотиб олишга келишади. Ушбу савдо ҳақида Абдулла Гофуровнинг хабардор қилиб, пул талаб қилади. Орадан бир ой ўтгач, Абдулла 2470 АҚШ долларини Рашидга етказиб беради. Жиноий шериклар пулнинг қолган қисмини қорадори сотилгач, бў-



## "Дамас" русумли машина топилди

Жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг 2023 йил 5 апрелдаги фуқаро Н.Т.га Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 131-моддаси 1-қисмига асосан 7,5 млн. сўм миқдорда жарима жазоси тайинланиб, 1 йил 6 ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги ижро варақаси Бюронинг Жиззах шаҳар бўлимига келиб тушган.

Қарздорга нисбатан ижро иши кўзгатилиб, барча мол-мулкларига тақиқ ўрнатилган. Афсуски, фуқаро оғохлантиришларга қарамасдан жаримани тўлашдан бўйин товлагани камлик қилганидек, ўзига тегишли "Дамас"

## Яшириб қўйилган русумли автомашинасини яширганлиги сабабли давлат ижрочиси томонидан транспортга қидирув эълон қилинган.

Ижро ҳаракатлари натижасида ҳамкорлар билан ушбу автомашина Жиззах шаҳридаги маҳаллалардан бирида ҳаракатланаётганлиги аниқланиб, жарима майдончасига жойлаштирилди. Келгусида мажбур қарздорликлар бартираф этилмаган тақдирда ушбу "Дамас" русумли автомашина электрон-онлайн савдоларида сотилади.

**Файрат МАМАТКУЛОВ,**  
Мажбурий ижро бюроси Жиззах вилояти бошқармаси катта инспектори.

қилиб бўлди. Икки нафар қирқчиллама йигитни панжара ортига равона қилди. Рашид 43 ёшда, Абдулла эса 27 бахорни қарши олганди. Бирида тўрт нафар, иккинчисида икки нафар фарзанд бор. Ёшлиқнинг 11 ва 12 йилини қамоқда ўтказишнинг ўзи бўлмайдими. Минг афсус, улар нафс қулига айланми, оила-дони ҳам, фарзандларини ҳам унуттишди. Одамларга заҳар-заққосининг қолдиқлари, 8,1 грамм кўкнори сомони топилди. Вилоят ИИБ ЭКБнинг экспертиза хулосасига кўра, жиноятчилардан олинган 968,79 грамм модда "опий" гиёҳвандлик моддаси эканлиги тасдиқланди. Гиёҳфурларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Бахмал туман суди томонидан қўриб чиқилди. Судда Рашид Мухтаров билан Абдулла Гофуров қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдирди. Суд ҳукмига биноан Рашид Мухтаровга 12 йил, Абдулла Гофуровга 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Қорадори қора қилмишини

(Мақола суд материаллари асосида тайёрланди).

2023 йил 21 ноябрь ҳолатига валюталар курси билан танишинг:	\$ 1 АҚШ доллари 12277,42	€ 1 Евро 13427,81	₽ 1 Россия рубли 138,93	₸ 1 Қозоқ тенгеси 26,52	¥ 1 Хитой юани 1713,67
---	---------------------------	-------------------	-------------------------	-------------------------	------------------------



# Besh tashabbus — Bosh tashabbus



“CRAFT FAIR UZBEKISTAN — 2023”

## MILLIY HUNARMANDCHILIK NAMUNALARI NAMOYISHI

Toshkent shahridagi “O‘zbekpomarkaz”da ikkinchi bor O‘zbekiston xalqaro hunarmandchilik mahsulotlari va texnologiyalari ko‘rgazmasi bo‘lib o‘tdi.

Davlatimiz rahbarining 2021-yil 30-dekabrda qabul qilingan “Hunarmandchilik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qaroriga asosan aholini hunarmandchilikka jalb qilish tizimini takomillashtirish borasida ko‘plab islohotlar bajarilayotir.

O‘zbekiston xalqaro hunarmandchilik mahsulotlari va texnologiyalari ikkinchi yarmarkasi ham ana shu qaror asosida tashkil qilindi. Jizzax viloyati “Hunarmand” uyushmasining xabar berishicha, unda O‘zbekistonning turli hududlariga xos bo‘lgan kashtachilik, kulolchilik, misgarlik, yog‘och o‘ymakorligi, gilamchilik, milliy matolar, miniat-

yura mahsulotlari namoyish etildi. Yarmarkada 200 nafar mahalliy, shuningdek, Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Tojikiston, Rossiya, Hindiston, Afg‘oniston kabi davlatlardan 40 nafar xorijiy hunarmandlar ishtirok etdi.

3-pavilyonda bo‘lib o‘tgan ko‘rgazmada hunarmandlar tomonidan o‘tkaziladigan mahorat darslarini kuzatish, hunarmandchilik yo‘nalishi uchun kerakli dastgohlarni xarid qilish imkoniyati yaratildi. Mahorat darslarida loydan ko‘za yasash, ipakdan mato to‘qish, do‘ppiga naqsh berish hamda beshik yasash jarayonlari ham tashkil etildi. Tadbirda viloyatimiz vakillari faol ishtirok

etib, voha hunarmandchiligining o‘ziga xos tomonlarini namoyish etishdi.

Markaziy Osiyoda yilning eng muhim hunarmandchilik tadbiri bo‘lgan ushbu ko‘rgazmada vohamiz vakillari ham faol qatnashib, ko‘plab e‘tirofga sazovor bo‘lishdi, — deydi viloyat “Hunarmand” uyushmasi mutaxassisi Marg‘uba Nurmanova. — Tadbirda har bir viloyatdan besh nafar “Hunarmand” uyushmasi a‘zolari, usta hunarmandlar ishtirok etdi. Jizzax viloyatidan 6 nafar hunarmand milliy qo‘g‘irchoqlar yasash, yog‘och o‘ymakorligi, qo‘lda gazlamalar to‘qish, esdalik buyumlari tayyorlash va gilamdo‘zlik yo‘nalishlari bo‘yicha qatnashdi. Taqdirlash marosimida har bir hududdan kelgan hunarmandlarga ko‘rgazmadagi faol ishtiroki uchun O‘zbekiston Respublikasi “Hunarmand” uyushmasi raisi Ulug‘bek Abdullayev tomonidan sertifikatlar topshirildi.

— Ko‘rgazma o‘zining milliyliyi va rang-barangligi bilan yodimizda qoladi, — deydi yog‘och o‘ymakorligi yo‘nalishidagi hunarmand Ermon Abdullayev. — Viloyatimiz hunarmandlari ham ko‘rgazmada o‘z mahoratini namoyish etib, ko‘pchilikning diqqat-e‘tiboriga tushishdi. U yerda biz barcha viloyatlardan kelgan hamkasblarimiz bilan tajriba almashdik, ularning san‘atini tomasha qildik va o‘zimiz uchun ko‘p yangiliklarni kashf etdik.

Xolnisa RAHMONQULOVA.  
("Jizzax haqiqati")

*Axix gazetaxonlar!*



Sevimli nashrlaringiz  
“JIZZAX HAQIQATI” va  
“ДЖИЗАРСКАЯ ПРАВДА”  
gazetalariga 2024 yil uchun  
obuna davom etmoqda.

Obuna Siz istagan usulda — naqd pulda, plastik kartalari orqali yoki pul o‘tkazish yo‘li bilan tahririyatning o‘zida va “O‘zbekiston pochta” AJ Jizzax filiali, “Matbuot tongi”, “Matbuot yetkazuvchi”, “Jizzax matbuot markazi”, “Jizzax matbuot xizmati” MCHJlar kabi obuna uyushtiruvchi tashkilotlarda amalga oshirilmoqda.

INDEKS: 3500

SEVIMLI GAZETANGIZ —  
ENG YAQIN HAMROHINGIZ  
BO‘LSIN!



ADLIYA  
maslahatxonasi

— Ikkinchi va undan keyingi ish yili uchun yillik mehnat ta‘tiliga ish yilining istalgan paytida chiqish mumkinmi?

— Mehnat kodeksining 228-moddasi (Ikkinchi va keyingi ish yillari uchun har yilgi mehnat ta‘tilini berish tartibi) 4-qismiga ko‘ra, xodimning xohishiga ko‘ra har yilgi mehnat ta‘tili unga qulay bo‘lgan vaqtda quyidagilarga berilishi kerak:

- ayollarga — homiladorlik va tug‘ish ta‘tilidan oldin yoki undan keyin;
- bolani parvarishlash ta‘tilidan foydalanayotgan xodimga ushbu ta‘tildan oldin yoki keyin;
- o‘n to‘rt yoshga to‘lmagan bir yoki undan ortiq nafar bolani (o‘n olti yoshga to‘lmagan nogironligi bo‘lgan bolani) tarbiyalayotgan shaxslarga (yolg‘iz otak-onaga, shu jumladan, beva ayollarga, beva erkaklarga, nikohdan ajralganlarga, muddatli harbiy xizmatdagi harbiy xizmatchilarning xotinlariga, otanonaning o‘rini bosuvchi shaxslarga);
- I va II guruh nogironligi bo‘lgan shaxslarga;
- 1941-1945 yillardagi urush qatnashchilariga va imtiyozlari bo‘yicha ularga tenglashtirilgan shaxslarga;
- o‘n sakkiz yoshdan kichik bo‘lgan shaxslarga;
- ishdan ajralgan holda ta‘lim tashkilotlarida o‘qiyotganlarga, agar ular o‘zining har yilgi mehnat ta‘tilini imtihonlar, sinovlar (zachyotlar) topshirish, bitiruv malakaviy ishlari, magistrlik dissertatsiyalarini, kurs, laboratoriya ishlari va boshqa o‘quv ishlari bajarish vaqtiga to‘g‘rilab olishni xohlasa;
- “O‘zbekiston Respublikasi faxriy donori” ko‘krak nishoni bilan taqdirlangan shaxslarga;
- jamoa kelishuvlarida, shuningdek, jamoa shartnomasida yoxud boshqa ichki hujjatlarda belgilangan hollarda boshqa xodimlarga.

Moddaning 5-qismiga ko‘ra, ishlaydigan erkaklarga har yilgi mehnat ta‘tili ularning xohishiga ko‘ra xotinining homiladorlik va tug‘ish ta‘tili davrida beriladi.

Demak, yuqoridagi toifa xodimlar ikkinchi va keyingi ish yillari uchun har yilgi mehnat ta‘tilini o‘zlar uchun qulay vaqtda olishlari mumkin. Ya‘ni, bu toifa xodimlar ta‘tilga ariza yozishsa ta‘tilar jadvali bilan belgilanadigan har yilgi mehnat ta‘tilini berish navbatidan oldin ham ta‘tilga chiqishlari mumkin.

Yuqoridagi toifaga tushmagan hodimlar-chi? Mehnat kodeksining 228-moddasi oxirgi qismiga ko‘ra, jadvalda belgilangan har yilgi mehnat ta‘tilini berish vaqti xodim va ish beruvchi o‘rtasidagi kelishuvga binoan o‘zgartirilishi mumkin.

Tolibjon UMAROV,  
Yangiobod tuman yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti.

— Ketma-ket 2 nafar farzandim tug‘ilgan uchun «dekret»daman. Endi uchinchi farzandim ham tug‘ish ta‘tili olmoqchi bo‘lsam, menga ta‘til puli beriladimi? Yoki o‘rtada 5-6 oy ishlab keyin tug‘ish ta‘tiliga chiqishim kerakmi?

— Homiladorlik va tug‘ish ta‘tilini keyingisiga ulashda limit ya‘ni cheklov yo‘q. 3-farzandingiz uchun ham ta‘tilga chiqsangiz tug‘ish nafaqasi to‘liq to‘lab beriladi.

“Mehnatga layoqatsizlik varaqalarini berish tartibi to‘g‘risida”gi Yo‘riqnomaning 29-bandiga ko‘ra, bola ikki va uch yoshga to‘lgunga qadar parvarishlash uchun beriladigan ta‘til yoki ish haqi saqlanmagan holda qo‘shimcha ta‘tilda bo‘lgan ayollarning takroriy homiladorligi uchun mehnatga layoqatsizlik varaqasi umumiy asosda beriladi.

Furqat JABBAROV,  
Yangiobod tuman yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti.

RSHTYOIM Jizzax filiali jamoasi filial direktori o‘rinbosari Rustam Subhonqulovga singlisi

Dilorom QOBILOVAning

vafoti munosabati bilan chuqur ta‘ziya izhor qiladi.

Mulohaza va taklif

## Buyuk kelajak kafolati

Yoshlikdan kitobni sevib o‘qish, badiiy adabiyotlar yig‘ish, unga hurmatda bo‘lish, o‘z uyida kutubxona tashkil etishga yig‘ish har qanday kishi uchun oliyanob fazilat. Darhaqiqat, mutolaa qilish, xarid qilgan yangi kitobingdan o‘zgal baxramand bo‘lishi, o‘z navbatida boshqalarni o‘qishga da‘vat etishdan ortiq quvonch bormi? Qisqasi, qo‘ldan-qo‘lga o‘tib yurgan kitob, uni yozgan muallifnigina emas, balki kitobxonlarning ham quvonchi, faxridir.

Yurtimizda kitobga chinakam ixlos qo‘ygan, o‘z xonadonida kutubxona tashkil etib, boshqalarni ham kitobxonlikka o‘rgatayotgan va bundan olam-olam shavqu zavq olayotgan kitobsevarlar ko‘pchilikni tashkil etadi. Aslida o‘qish madaniyati tarbiyasini dastavval o‘ladan boshlash kerak. Bolaga kitobni sevish, kutubxonadan oqilona foydalanish, o‘qish san‘ati, qisqasi, kitobsevarlik ko‘nikmasini, asar ustida ishlashni o‘rgatish uchun ota-onalarning o‘zi mutolaa madaniyatidan xabardor bo‘lishi kerak. Agar har bir oilada zarur adabiyotlardan iborat kichkina kutubxona bo‘lsa, undan o‘z vaqtida foydalanib, tartib-qoidalariga amal qilinsa, bunday oilada kitob o‘qish madaniyati o‘z-o‘zidan shakllanib boradi. Sohibqiron Amir Temur ta‘biri bilan aytganda, «Kitob (bitig) barcha

bunyodkorlik, yaratuvchilik va aql-idrokning, ilmu donishning asosidir, hayotni yaratuvchi murabbiydir». Shu ma‘noda, shakildan qat‘iy nazar, barcha kitoblar milliy o‘zligim hamda umuminsoniy qadriyatlarini targ‘ib etishga xizmat qilishi ayni muddao.

Davlatimiz rahbarining “Har bir rahbar o‘zining shaxsiy kutubxonasidan o‘zi ta‘lim olgan maktab kutubxonasiga kitoblar sovg‘a qilsa, bu yaxshi tashabbus bo‘lib, kitobxonlikni rivojlantirish bilan farzandlarimiz tarbiyasiga joriy ta‘sir ko‘rsatadi”, deya ta‘kidlab, mamlakatimizni ijtimoiy, ma‘naviy-ma‘rifiy sohalaridagi ishlarni yangi tizim asosida yo‘lga qo‘yish bo‘yicha beshta muhim tashabbusni ilgari surdilar. Ushbu xayriy tashabbus doirasida respublikamizda barcha kitob ahli faol ishtirok etmoqda.

Shuning barobarida, ota-onalar muntazam ravishda o‘z farzandlarini kitob do‘konlariga olib borishlari, ularning kutubxonaga qatnashini rag‘batlantirishlari dardkor. Kitob sovg‘a qilish an‘anasini keng joriy qilish kerak. Hozirgi kunda yurtdoshlarimiz orasida bayram, to‘y va tug‘ilgan kunlarda kitob sovg‘a qilish ommalashib borayotgan bo‘lsa-da, ayrimlar haligacha kitob hadya etishdan orqiladi, uyaladi. Vaholanki, kitobdan ulug‘ sovg‘a bormi?!

O‘g‘loy ALIBEKOVA,

Do‘stlik tumani axborot-kutubxona markazi kutubxonachisi.

“Yangi nafas” marafoni



## Bir maqsadda birga yuguramiz

Viloyat hokimligi, viloyat Yoshlar siyosati va sport, Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar, mudofaa, ichki ishlar, favqulodda vaziyatlar, Milliy gvardiya qo‘riqlash boshqarmalari, Milliy olimpiya qo‘mitasi, Yoshlar ishlari agentligi, “O‘zbekneftgaz” AJ hamda yengil atletika federatsiyasi hamkorlikda o‘tkazgan “Yangi nafas” ommaviy yugurish musobaqasi bu gal O‘zbekiston Respublikasi davlat bayrog‘i qabul qilingan kunga bag‘ishlandi

Davlatimiz ramzi, faxrimiz va iftixorimiz bo‘lgan bayrog‘imizning 32 yilligi munosabati bilan tashkil etilgan 2000 nafardan ortiq marafon qatnashchilari yakshanba kuni, erta tongdan “So‘g‘diyona” o‘yingohi oldida, Alisher Navoiy ko‘chasi uzra saf tortishdi.

Respublikamizning 16 ta shahrida bir vaqtda ommaviy yugurish musobaqasiga start berildi. 3 kilometrlik ommaviy yugurishda barcha faollikka intildi. Birozdan so‘ng jismonan chaqon va eng kuchli barchadan o‘zib keta boshladi. Ana shunday atletlar ishtirokidagi raqobat Sharof Rashidov ko‘chasi uzra davom etdi. Sharof Rashidov xiyobonidagi finishga qadar faqat eng kuchli barcha saralanib bordi. Natijalarga ko‘ra, erkaklar o‘rtasida Jizzax davlat pedagogika universiteti talabasi Shahobiddin Abdudayumov raqiblarini katta farq bilan ortda qoldirib, finish chizig‘ini birinchi bo‘lib bosib o‘tdi. Uning yaqin ta‘qibchisi Milliy gvardiya harbiy xizmatchisi Ahrorjon Abdullayev ikkinchi, ichki ishlar boshqarmasi xodimi Begzod Tuliye esa uchinchi bo‘lib marraga yetib keldi.

Zoir KALONOV.  
("Jizzax haqiqati")

J.YAROBKOV olgan suratlar.

Besh tashabbus olimpiadasi

## Jizzax jamoasida ikkita medal

Yaqinda Buxoro shahrida bo‘lib o‘tgan “Besh tashabbus olimpiadasi”da Jizzax viloyati OTMLari vakillari munosib ishtirok etishdi. 211 ta oliyog‘h jamoalari ishtirok etgan olimpiadada O‘zMU Jizzax filiali talabasi Oygul Karimqulova stol tennisida tengsiz ekanini ko‘rsatib, oltin medalga sazovor bo‘ldi. Stritbol bo‘yicha JDPU qizlar jamoasi esa faxrli 3-o‘rinni qo‘lga kiritdi. Ularga diplom va qimmatbaho esdalik sovg‘alari tantanali sur‘atda topshirildi.

Stritbol basketbolning bir turi bo‘lib, ishtirokchilar soni uch nafar hamda basketbol maydonining yarmiga teng o‘lchamdagi maydonda bitta savatga to‘p tashlash orqali o‘ynaladi. Bu sport turi yurtimizda ommalashib borayotgi. Xususan, mahallalarda tashkil etilgan vorkout hududlari stritbol uchun mo‘ljallab jhoz-

lanmoqda. Universitetimizda ham sportning bu turi bo‘yicha musobaqalar muntazam o‘tkazib turiladi.

Sardor HAZRATQULOV,  
JDPU sport turlarini o‘qitish metodikasi kafedrasida o‘qituvchisi, stritbol murabbiyi.



## “NAVRO‘ZBULOQ” mezbonlarni siyladi

O‘zbekiston Respublikasi Mudofaasiga ko‘maklashuvchi “Vatanparvar” tashkilotining taqvim rejasidan o‘rin egallagan avtokross bo‘yicha O‘zbekiston chempionatiga Jizzax shahridagi “Navro‘zbuloq” poygagohi mezbonlik qildi. Joriy yilgi taqvimdan o‘rin olgan so‘nggi avtokross musobaqasida mezbonlar, Toshkent shahri hamda samarqandliklar ikkitadan jamoasi bilan, Andijon, Namangan, Farg‘ona, Buxoro, Sirdaryo, Gashqadaryo, Navoiy, Xorazm viloyatlaridan tashrif buyurgan 70 nafarga yaqin sportchilar dastlab saralash bosqichlarida o‘zaro bellashdilar.

Shayxontohur tuman sport texnik klubi a‘zosi Ravshan Qobilov va Samarqand viloyati vakili Shuhrat Obidjonovlar ikkinchi va uchinchi bo‘lib marraga yetib keldi.

Avtokross bo‘yicha O‘zbekiston chempionatining ikkinchi kuni ham uch mingga yaqin muxlislar murosas va keskin kurashlarga boy bo‘lgan bellashuvlarga guvoh bo‘ldilar.

A-8 sinfidagi avtomobillar egalari o‘rtasidagi poygada buxorolik Rashid Murodov, samarqandlik Farrux Isomiddinov hamda Farhod Djamalovlar kuchli uchlikdan joy egallashdi.

Milliy toifadagi avtomobillarni boshqarigan sportchilar o‘rtasidagi bahsda sirdaryolik sportchi Nurbek Imomqulov

Zoir ERGASHEV.  
("Jizzax haqiqati")

## Bosh muharrir Bahodir NAZAROV

Jizzax viloyati matbuot va axborot boshqarmasidan 2018-yil 7-dekabrda 06-038 raqami bilan ro‘yxatdan o‘tgan.

ISSN 2010 7730. Qog‘oz bichimi A-2, hajmi 2 bosma taboq. Guvohnoma № 14-2588

QABULXONA — (72) 226-40-65.

XATLAR — (72) 226-59-84,  
REKLAMA va E‘LONLAR — (72) 226-18-10.

Navbatchi muharrir: Z.ERGASHEV.  
Gazeta operatorlari: A.NORBOYEV, D.SADIROV.  
Musahhih: B.HAMIDOVA.

Tahririyat besh qog‘oz hajmgacha bo‘lgan qo‘lyozmalarni qabul qiladi. Qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Reklama va e‘lonlar matni uchun tahririyat javobgar emas.

— tijorat materiallari

Gazeta «ERUDIT» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxon manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.

Shartnoma bo‘yicha topshirish vaqti — 17.00. Topshirildi — 16.00



Buyurtma № 623  
Adadi: 12386 nusxa.  
Sotuvda kelishilgan narxda.

https://t.me/jizzaxpress